

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/28.02.2022.1.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

ИБРАГИМОВА МАДИНА ИСМОИЛОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТУРИЗМИ ХИЗМАТЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
in economic sciences**

Ибрагимова Мадина Исмоиловна

Ўзбекистонда таълим туризми хизматларини ривожлантириш
истикболлари 3

Ибрагимова Мадина Исмоиловна

Перспективы развития услуг образовательного туризма в Узбекистане 29

Ibragimova Madina Ismoilovna

Prospects for the development of educational tourism services in Uzbekistan 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 59

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/28.02.2022.1.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

ИБРАГИМОВА МАДИНА ИСМОИЛОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТУРИЗМИ ХИЗМАТЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Iqt98 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш вебсаҳифаси (www.sies.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мухаммедов Мурод Мухаммедович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Навруз-зода Бахтиёр Негматович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Халилов Сирожиддин Шерали ўғли
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/28.02.2022.1.18.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «_____» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел: (99866) 233-19-84; Факс: (99866) 231-12-53, e-mail: sies_info@edu.uz.

Диссертация иши билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел.: (99866) 233-19-84; Факс: (99866) 231-12-53, e-mail: sies_info@edu.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» _____ куни тарқатилди (2022 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Э.Пўлатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида Бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Ш.О.Кувандиков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида Бир марталик илмий кенгаш котиби, и.ф.д., доцент

М.Қ.Пардаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Бир марталик илмий семинар раиси ўринбосари, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобал ва миллий иқтисодиётнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш шароитида туризм, айниқса бир вақтнинг ўзида туризм-таълим соҳаларини уйғун мужассамлаштирган таълим туризми инсон капитали билан боғлиқ бўлган иқтисодиётни инновацион асосда ривожлантириш ва рақобатбардошлигини оширишда муҳим омили сифатида тез ривожланиб бормоқда. Бутун жаҳон туризм ташкилотининг маълумотларига кўра «2019 йилда барча кировчи туристлар сони 1,460 млн.га етиб, фаолиятдан олинган даромад 1,481 млрд. АҚШ долларни ташкил этган, дунё миқёсида туризм соҳасида 334 млн. янги иш ўринлари яратилган»¹. Жаҳон миқёсида коронавирус пандемияси тарқалиши соҳа ривожига катта салбий таъсир кўрсатди. Бунинг оқибатида, масалан «2020 йилда жаҳон туризм соҳаси 4,5 трл. АҚШ доллар зарар кўрди, ЯИМдаги улуши бир йилда 49,1% га камайди, иш ўринлари сони 62 млн.га қисқарди»². Соҳанинг ижтимоий-иқтисодий ва инновацион аҳмиятидан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда таълим туризмини самарали ривожлантириш, миллий ва глобал имкониятларни уйғунлаштириш, соҳанинг ижтимоий аҳамиятини янада ошириш долзаб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда долзарблашиб бораётган ижтимоий мақсадлар ва инсон капиталини ривожлантириш мақсадларига кўра таълим туризмининг илмий-услугий асосларини такомиллаштириш, таълим туризми хизматлари сифати ва самарадорлигини касблар зарурати ва истиқболлашув талаблари негизида ошириш борасида кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур жараёнда жамият ва соҳа ривожига ностандарт шароитларни эътиборга олган ҳолда соҳани тартибга солишга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштиришнинг илмий таъминотини амалга ошириш, таълим туризми хизматлари ва академик мобиллик имкониятларини уйғунлаштириш, таълим олиш бўйича халқаро оқимларни оптималлаштириш юзасидан туризм ва таълим соҳалари имкониятларини мувофиқлаштириш, қисқа муддатларда тегишли тилларни ўргатишнинг самарали ижтимоий-иқтисодий ва туристик-ташкилий шарт-шароитларини янада такомиллаштириш каби йўналишдаги тадқиқоқлар устувор даражада бажарилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида туризм соҳасини самарали комплекс ривожлантириш, мазкур жараёнга айниқса ёш авлодни кенг жалб қилиш, Ренессанс жараёни шаклланаётган шароитда таълим туризмининг муносиб ҳиссасини таъминлаш каби йўналишларда кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. «Биз оила, мактабгача таълим, мактаб ва олий таълимни ҳамда илмий-маданий даргоҳларни бўлғуси Ренессанснинг энг муҳим бўғинлари деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли, ушбу соҳаларда туб ислоҳотларни

¹ World Tourism Barometer, Volume 18, Issue 1, January 2021

² International Tourism Highlights, 2020 Edition

изчил амалга оширмоқдамиз»³. Белгиланган стратегик вазифаларни амалга ошириш шароитида инсон капитални ривожлантирган ҳолда таълим туризмига услубий ёндашувларни такомиллаштириш, таълим хизматлари сифатига жамият олдидаги ижтимоий жавобгарлик ва хавфсизлик асосида истеъмолчилар билан коммуникатив комплекс тизимини такомиллаштириш, кировчи ва чикувчи туристик оқимнинг ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш истиқболларини асослаш каби йўналишдаги тадқиқотларни кенг кўламда амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш тўғрисида», 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 28 майдаги ПФ-6002-сон «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сон «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ривожланган мамлакатлар адабиётларида таълим туризми хизматларини ривожлантириш масалалари узоқ йиллардан буён ёритиб келинмоқда ва бу борада кенг кўламда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Чет эл олимларидан Ш.Тейлор, Б. Ритчи, К.М.Калиновский, Б. Вейлер, К.Вудд, Ж. Питтман, Э.Кохен⁴ каби етакчи

3 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқи. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги. https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-ozbekiston-yoshlari-forumida-sozlagan-nutqi_197662

⁴ Taylor S. Theorizing Educational Tourism: Practices, Impacts and Regulations in Ecuador. – New York: Columbia University. – 2006. – P.306; Ritchie B.W., Carr, N., Cooper, C. Managing Educational tourism.– Great Britain: Cromwell Press, 2003. – P.306.; Kalinowski, K. M., Weiler, B. Educational Travel, New York, 2001. – P.306. Educational tourism. In.: N. Douglas, N.Douglas. Special Interest Tourism: Content and Cases. Brisbane: John Wiley, pp. 188-211; Pittman J. Educational Tourism Empowerment: Implications for Flexible Learning and Digital Equity. Tourism & Hospitality. – 2012. Volume 1. – P.119.; Athena Smith, Ph.D. The role of educational tourism in raising academic standards. African Journal of Hospitality, Tourism and Leisure . – 2013. – Vol. 2 (3). – pp.1-7.;

олимлар таълим туризмнинг назарий ва амалий муаммолари билан жиддий шуғулланиб, ўз илмий қарашларини нашр этилган адабиётларда маҳорат билан акс эттирганлар.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида таълим туризми хизматларини ривожлантиришнинг назарий ҳамда услубий жиҳатлари М.Б.Биржаков, А.С.Кусков, Ю.А.Джаладян, М.В.Соколова, И.В.Зорин, Т.П.Каверина, В.Ю.Воскресенский, Н.А.Козлова, Э.А.Лунин, Ю.И.Сергеева, В.Я.Гельман, В.Л.Погодина ва бошқа олимлар⁵ томонидан атрофлича ўрганилган.

Туризм ва унинг иқтисодий муаммолари хусусида республикамизнинг иқтисодчи олимларидан Н.Т.Тухлиев, М.Э.Пўлатов, О.Х.Хамидов, Б.Н.Наврўз-зода, М.М.Мухаммедов, М.Қ.Пардаев, И.С.Тухлиев, Т.Абдуллаева, Д.Х.Асланова, Б.Х.Тўраев, Б.Ш.Сафаров, Н.Э.Ибадуллаев, А.А.Эштаев, М.Т.Алимова ва бошқалар⁶ илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

Erik H. Cohen. Youth Tourism to Israel: Educational Experiences of the Diaspora. Book. British Library. 2008. – pp. 477.

⁵ Биржаков М.Б. Введение в туризм. С.Пб. Издательский Торговый дом «Герда», 2000. – 147-148 стр.; Кусков А.С., Джаладян Ю.А. Основы туризма. Учебник. – М.: КноРус. 2008. – 32-33 стр.; Соколова М.В. История туризма. Учебное пособие. – М.: Мастерство. 2002. – 352 с.; Зорин И.В., Каверина Т.П. и др. Менеджмент туризма. Туризм как вид деятельности. Учебник. – М. Финансы и статистика. 2005. – 288 с.; Воскресенский В.Ю. Международный туризм. – М. ЮНИТИ-ДАНА, 2006. – 10 стр.; Козлова Н.А. Формирование и развитие рынка международного образовательного туризма. // Дис. ... канд. экон. наук. – Санкт-Петербург 2009. – 204 с.; Лунин Э.А. Совершенствование управления образовательным туризмом в РФ // Дис. ... канд. экон. наук. – Санкт-Петербург 2009. – 156 с.; Сергеева Ю. И. Международный образовательный туризм, монография. – Минск: ИВЦ Минфина, 2011. – 110 с.; Гельман В.Я. Состояние и перспективы развития образовательного туризма. // Вестник НАТ. – январь-март 2009. – №1 (9). – С.48-52.; Погодина В.Л. Образовательный туризм как средство развития географической культуры учащихся // Известия Российского государственного педагогического университета им. А.И. Герцена. – 2009. – №116. – С. 59-68.; Пономарева Т. В. Современный образовательный туризм: российский опыт и направления развития // Молодой ученый. — 2015. — № 23 (103). — С. 638-641.; Селиванова С.И. Образовательный туризм // Вестник Университета № 11, 2014. – С. 169-174.

⁶Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Услуги, технологии и продукты в туризме. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашриёти. 2009. – 30 б.; Пўлатов М.Э., Мирзаев Қ.Ж. ва бошқ. Глобал иқтисодий ривожланиш (туризм иқтисодиёти). Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2018. – 296 б.; Хамидов О. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмини такомиллаштириш. и.ф.д. диссертация автореферати. – Самарқанд, 2017.; Б.Н.Наврўз-зода ва бошқ. Туристик ҳудуд рақобатбардошлиги. Монография. Бухоро: “Садриддин Салим Бухорий” Дурдона нашриёти, 2017. – 156 б.; Мухаммедов М. М. ва бошқ. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. Монография. // профессор М.М.Мухаммедовнинг умумий таҳрири остида. – Самарқанд: Зарафшон ДК, 2017. – 275 б.; Пардаев М.Қ. ва бошқ. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.: Иқтисодиёт-молия, 2008. – 260 б.; Тухлиев И.С. Туризм: назария ва амалиёт. – Т.: Фан ва технология, 2018. – 400 б.; Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. – Т.: Гос.науч. изд-во “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2006. – 238 б.; Асланова Д.Х. Пўлатов М. Туризм соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самараси. // Туризм хизматлари ва сервисини ривожлантиришнинг халқаро илгор тажрибаси ва уни Ўзбекистонда қўллаш масалалари. – Самарқанд: ХИАА (I-кисм), 2018 – Б. 153-157.; Тураев Б.Х., Ким Е.А. Анализ законодательных и институциональных основ развития туризма в Республике Узбекистан. Проблемы рыночной экономики. – 2019. – № 2. – С. 83-89; Сафаров Б.Ш. Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари // Монография. – Тошкент: Фан ва технология, 2016. – 184 б.; Ибадуллаев Н.Э. Туристик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари (Самарқанд вилояти мисолида): и.ф.н. диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2010.; Эштаев А.А. Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида). Doctor of science диссертация автореферати – Сам., 2019. – 95 б.; Алимова М.Т. Ҳудудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида). Докторлик диссертацияси автореферати. – Сам., 2017. – 96 б.; Норкулова Д.З. Ўзбекистонда социал туризм

Юқорида келтирилган олимлар туризм соҳасини ривожлантириш, туристик хизматларнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришга оид илмий-назарий тадқиқотларни олиб борганлар. Бироқ ушбу тадқиқотларда таълим туризми хизматларини ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини баҳолаш, таълим сифатини кескин оширишнинг муҳим омилига айлантириш каби масалалар етарли даражада ўрганилмаган. Шу боис мамлакатимизда таълим туризми хизматларига тобора ортиб бораётган талабни имкон қадар тўла қондириш, унга таъсир этувчи омилларни баҳолаш асосида самарадорлигини ошириш, туристик ташкилотларнинг истеъмолчилар билан коммуникацион алоқаларини такомиллаштириш, ушбу соҳада давлат билан хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва туризм хизматлар бозорини ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ИТД-2-15 «Ўзбекистонда болалар, ўсмирлар ва ёшлар туризмининг комплекс ривожлантириш муаммолари» ва №ПЗ-20170929646 «Агротуристлик мажмуа яратиш усуллари» мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда таълим туризми хизматларини самарали ривожлантириш ва истиқболларини асослаш бўйича тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«таълим туризми», «таълим туризми хизматлари» тушунчаларининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини очиб бериш ва уларга муаллиф талқинидаги такомиллашган таърифларни ишлаб чиқиш;

таълим туризми хизматларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва турланишини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

таълим туризми хизматлари бўйича халқаро тажрибани ўрганиш ва уни Ўзбекистонда қўллаш имкониятларини аниқлаш;

таълим туризми хизматлари бозорининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларни гравитацион модел асосида таҳлил қилиш орқали чиқувчи ва кирувчи таълим туризми ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммоларни аниқлаш;

таълим туризмининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсирини ошириш йўллари таълим олиш мақсадида Ўзбекистондан чиқувчи ҳамда мамлакатимизга кирувчи туристлар оқимини прогноз қилиш орқали аниқлаш;

тадбиркорликни таълим туризмининг истиқболли соҳаларидан бирига айлантиришда давлат-хусусий шерикчилик асосида мотивацион механизм ҳамда таълим туризмида давлат ва хусусий сектор ўртасидаги шериклик

хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш // и.ф.н. бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. Самарқанд СамИСИ, 2018. – 65 б.

муносабатларини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

таълим туризми инсон капиталини ривожлантириш асосида инновацион иқтисодий шакллантиришнинг муҳим омили эканлигини тадқиқ этиш;

таълим туризми хизматларини самарали ривожлантириш ва истиқболларини асослаш бўйича тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Ўзбекистон Республикасидаги турфирмалар, таълим муассасалари ва турли ўқув курсларни таклиф қилувчи юридик субъектлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети таълим туризми хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда статистик таҳлил, илмий абстракция, таҳлил ва синтез, таққослаш, индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, SWOT таҳлил, иқтисодий-математик моделлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инсон капиталини ривожлантиришда «таълим туризми» тушунчасининг моҳиятининг интеграцияловчи таснифий белгилари таркибига бир йилгача бўлган вақт давомида жисмоний шахс ёки бир гуруҳ шахсларнинг доимий яшаш жойидан билим олишни киритиш асосида такомиллаштирилган;

таълим туризми самарадорлигини ошириш шароитида истеъмолчилар билан коммуникатив комплекс тизими тақдим этилган таълим хизматлари сифатига жамият олдидаги ижтимоий жавобгарлик ва таълим олувчилар хавфсизлигини таъминлаш кабиларни киритиш асосида такомиллаштирилган;

республикада таълим туризми хизматлари ҳажмини оширишда кирувчи ва чиқувчи туристик оқимнинг ўрта муддатли ривожлантириш истиқболлари ва трендини яратишга хизмат қилувчи 2025 йилга бўлган даврга прогноз параметрлари асосланган;

туристик мажмуани, жумладан таълим туризмининг яхлит тизим сифатида стратегик бошқариш самарадорлигини оширишда таълим туризмининг ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ҳамда унинг муҳим компоненти сифатида, жумладан соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантирган ҳолда давлат-хусусий шериклигини ривожлантиришнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«таълим туризми» мезонларининг такомиллаштирилган таснифлагичи таклиф қилинган;

таълим туризми хизматлари бозори самарадорлигини оширишнинг ички ва ташқи имкониятларини баҳолаш ва уларни ишга солиш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

таълим туризми корхона ва ташкилотларининг истеъмолчилар билан коммуникациялар тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий натижаларнинг ишончлилиги Бутунжаҳон туризм ташкилоти, Туризм ва саёҳатлар бўйича жаҳон Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Туризм ва маданий мерос вазирлигининг расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, ишда келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтгани ва тегишли ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таълим туризми хизматларини ривожлантириш истиқболлари бўйича ишлаб чиқилган илмий тавсиялардан фойдаланиш мумкинлиги, таълим туризми хизматларини шакллантиришга методологик ёндашувларнинг такомиллаштирилгани, туризм соҳасини янада ривожлантириш асосида таълим туризми хизматларининг жозибадорлигини ошириш асосида унинг ҳажмини кўпайтиришнинг кўшимча имкониятлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кирувчи ва чиқувчи таълим туризмнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги тасарруфидаги тузилмалар фаолиятида ҳамда соҳани ривожлантириш бўйича мақсадли чора-тадбирларни ишлаб чиқишда ва соҳага оид ўқув адабиётларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда таълим туризми хизматларини ривожлантириш истиқболлари бўйича ишлаб чиқилган илмий натижалар асосида:

«таълим туризми» тушунчасининг моҳияти интеграцияловчи таснифий белгилари таркибида бир йилгача бўлган вақт давомида жисмоний шахс ёки бир гуруҳ шахсларнинг доимий яшаш жойидан билим олишни эътиборга олган ҳолда «таълим туризми» тушунчасининг такомиллашган таърифи 5610100 –“Хизматлар соҳаси” таълим йўналиши талаблари бўйича тайёрланган “Ресторан менежменти” номли ўқув қўлланмага (гувоҳнома рақами 1186-088) киритилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 6 январдаги 89-03-61-сонли маълумотномаси). «Таълим туризми» тушунчасига муаллифлик ёндашуви таълим сайёҳларини тегишли яшаш жойлари, жумладан ётоқхоналар билан таъминланишини яхшилаш бўйича мақсадли кўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқишга хизмат қилади;

таълим туризми самарадорлигини ошириш шароитида истеъмолчилар билан коммуникатив комплекс тизимини такомиллаштириш бўйича жамият олдидаги ижтимоий жавобгарлик, таълим олувчилар хавфсизлигини таъминлаш, тингловчи таълим олаётган мамлакатнинг маданий ўзига хослиги билан таништириш каби таклифлари Ўзбекистон Республикаси Туризм ва

маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги “Маданий мерос объектлари муаммоларини ўрганиш ва туризмни ривожлантириш илмий тадқиқот институти”нинг 2022 йил 10 майдаги ИЧ-15-сон буйруғи билан амалиётга жорий қилинган (Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 19 майдаги 04-18/1769-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши таълим туризми билан шуғулланувчи туристик фирмаларда истеъмолчилар билан коммуникацион жараёнларни такомиллаштириш, уларни тегишли маълумотлар билан таъминлаш ва кўрсатилган хизматлар сифатидан қониқиш даражасини ҳамда мавжуд камчиликларни аниқлаш ва пировард натижада мижозларнинг корхона тўғрисидаги фикрларини ижобий томонга ўзгартириш, потенциал туристлар аудиториясини кенгайтиришга ҳамда хизматлар ҳажмини кўпайтиришга имконият яратган;

республикада таълим туризми хизматлари ҳажмини ошириш мақсадида кирувчи ва чиқувчи туристик оқимнинг ўрта муддатли ривожлантириш истиқболлари ва трендини яратишга хизмат қилувчи 2025 йилга қадар прогноз параметрларидан Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги “Маданий мерос объектлари муаммоларини ўрганиш ва туризмни ривожлантириш илмий тадқиқот институти”нинг 2022 йил 10 майдаги ИЧ-15-сон буйруғи билан амалиётга жорий қилинган (Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 19 майдаги 04-18/1769-сонли маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш таълим соҳасини ривожлантириш ва сифатини ошириш бўйича амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар натижасида 2023 йилдан бошлаб таълим олиш бўйича кирувчи туристлар оқимининг ўсиши аниқланган ҳолда тегишли чора-тадбирларни ташкил қилиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилган;

туристик мажмуани, жумладан таълим туризмининг яхлит тизим сифатида стратегик бошқариш самарадорлигини оширишда таълим туризмининг ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш, унинг муҳим компоненти сифатида, жумладан соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантирган ҳолда давлат-хусусий шериклигини ривожлантиришнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги бўйича ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги ҳузуридаги Маданий мерос объектлари муаммоларини ўрганиш ва туризмни ривожлантириш ИТИнинг 2022 йил 10-майдаги ИЧ-15-сон буйруғи билан (вазирликнинг 2022 йил 21 июлдаги 04-18/3582-сон хати билан институтга ваколат берилгани тўғрисидаги маълумоти) амалиётга жорий қилинган (Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 19 майдаги 04-18/1769-сонли маълумотномаси). Илмий натижадан фойдаланиш Ўзбекистонда таълим туризми хизматлар бозорининг самарадорлигини оширишнинг ички ва ташқи имкониятларини баҳолаш, жараённи самарали бошқариш механизмининг такомиллаштиришга имконият яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш, жумладан 1 та монография, 1 та луғат, илмий журналларда жами 13 та, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган республика илмий журналларида 9 та, жумладан, 6 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 155 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий натижаси, натижаларнинг ишончилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги ва нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Таълим туризми хизматларини тадқиқ этишнинг назарий ва концептуал асослари”** деб номланган биринчи бобида таълим туризми хизматларининг моҳияти, таркиби ва уни инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида жадал ривожлантиришнинг долзарблиги, таълим туризми хизматларининг таркиби, таснифланиши ва ўзига хос хусусиятлари ҳамда уни ташкил этиш бўйича халқаро тажриба, амалиётда улардан фойдаланиш имкониятлари ва истикболлари ёритиб берилган.

Мамлакат ижтимоий - иқтисодий равнақи нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга йўналишлардан бири таълим туризми хизматлари ҳисобланади. Миллий иқтисодиёт учун зарур ва замон талабларига мос келадиган малакали ходим ва мутахассисларни тайёрлаш ҳамда етказиб беришда таълим туризми хизматлари ўзига хос ўринга эгадир. Таълим туризми хизматлари фаолияти мураккаб ва кўп қиррали жараён бўлиб, ҳозирги кунда ушбу хизмат тури тез ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда таълим туризми ривожланаётган бўлишига қарамаздан, унинг илмий-назарий жиҳатлари иқтисодий адабиётларда етарли даражада ёритилмаган, унинг мазмун-моҳияти мамлакатимиз олимлари томонидан чуқур ва ҳар томонлама ўрганилмаган, ҳатто “Туризм тўғрисида”⁷ги қонунда⁷ ушбу атамага тушунча ҳам берилмаган.

Илмий изланишлар шуни кўрсатдики, ҳозирги кунда таълим туризмнинг таърифи бўйича турли мунозарали қарашлар мавжуд бўлиб, унинг хусусида тадқиқотчилар ханузгача аниқ бир тўхтамга келишмаган. Тадқиқотларимиз ушбу туризм тури тўғрисида олимларнинг ҳар хил, айрим ҳолларда бир-бирига зид ёндошувлар ва илмий қарашлар мавжудлигини

⁷ “Туризм тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни 18 июль 2019 йил.


кўрсатди. Ҳозирги кунда мавжуд таърифларнинг асосий камчилиги таълим туризмни фақатгина фаолият тури, хизмат сафари, хорижга саёҳат қилиш, даромад олиш билан боғлиқ бўлмаган фаолият сифатида бир томонлама талқин қилинганлиги билан изоҳланади. Айни пайтда, танланган диссертация мавзусининг номи нуқтаи назаридан ўта муҳим аҳамият касб этувчи ушбу тушунчанинг илмий жиҳатдан асосланган таърифини бермасдан, унинг тўлиқ моҳиятини, амалий ва услубий жиҳатларини тушуниб етмасдан, чуқур ва самарали илмий тадқиқотларни амалга ошириб бўлмайди.

Юқорида таъкидланган нуқтаи назарлардан келиб чиққан ҳолда диссертацияда «таълим туризми» тушунчасига муаллиф талқинидаги қуйидаги мазмунда таъриф ишлаб чиқилган: “Таълим туризми жисмоний шахс ёки бир гуруҳ кишиларнинг доимий яшаш жойидан билим олиш, тил ўрганиш, малака ошириш, айрим мутахассислик фанларни ўрганиш ёки ўргатиш мақсадларида мамлакат ҳудудида ёки хорижий мамлакатда ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда дастур асосида бир йилгача бўлган вақт давомида саёҳат қилиш фаолиятидир”.

«Таълим туризми» тушунчаси билан бир қаторда, “таълим туризми хизматлари” тушунчасининг ҳам моҳиятини очиб бериш муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, таълим туризмига бағишланган илмий адабиётларда ҳамда меъёрий ҳужжат ва қонунларда “таълим туризми хизматлари” тушунчасига доир таъриф мавжуд эмас. Муаллиф томонидан унга қуйидаги талқинда таъриф берилди: “Таълим туризми хизматлари – таълим олиш истаги бўлган аҳолига унинг ёшидан қатъий назар, (мактаб ёшидаги болалар, ёшлар, катта ёшдаги кишилар), таълим туризми субъектлари (туристик фирмалар, таълим муассасалари) томонидан туристларнинг муайян эҳтиёжларини қондиришга қаратилган хизматлар мажмуидир”.

Ғарб давлатларида таълим туризми хизматлари энг кўп тарқалган ва зарурий хизмат турларидан биридир, чунки инсон ўзини ривожлантиришни, ўзининг ижтимоий мавқеини яхшилаш мақсадида таълим олишни, ўз билимларини кенгайтиришни истади. Кейинги даврларда дунёнинг барча мамлакатларида туризмнинг ушбу шакли тобора тез ривожланиб, кенгайиб бормоқда. Чунки инновацион иқтисодиётни шакллантириш жараёнида билвосита ва бевосита ўқиш давомида таълим олишга эҳтиёж кучаяди. Инновацион иқтисодиётда ҳар бир шахснинг сифатли таълим олишга бўлган хоҳиши ёки қўшимча малака оширишга эҳтиёжи таълимга бўлган талабни келтириб чиқаради, уни ривожлантириш ва такомиллаштиришга асос бўлади.

Тадқиқотимизда хориж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда ҳам таълимни ривожлантириш ва унинг сифатини тубдан яхшилаш асосида минтақавий таълим бозорини шакллантириш ва унга талабаларни фаол жалб этишнинг имкониятлари ўрганилди. Бу имкониятлардан самарали фойдаланиш механизмларини яратиш ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш асосида мамлакатда таълим туризмни, таълимни ҳам, айни пайтда туризмни ҳам ривожлантиришнинг стратегик йўналишига айлантириш лозим, деган хулосага келинди.




1-расм. Таълим туризмининг турлари бўйича таснифланиши⁸

⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ўрганилган адабиётлардаги ёндашувларни танқидий ўрганиш асосида таълим туризмни мезонлар бўйича гуруҳларга ажратиш ва уни турлар бўйича таснифлашга доир таклифлар ишлаб чиқилди.

Бизнингча, таълим туризми хизматларини 11 та мезон асосида алоҳида турларга таснифлаш лозим: кўламига, муддатига, иштирокчиларнинг ёшига, таълим туризмнинг турига, молиялаштириш манбаларига, хизмат истеъмолчисига, таълим мақсадига, иштирокчиларнинг сонига, йўналишига, туристик йўналишларнинг объектига, ташкилий-ҳуқуқий шаклига қараб таснифлаш(1-расм).

Таълим туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми ўзига тегишли элементлардан ташкил топган бўлиб, яхлитликни тақозо этади. Бизнинг назаримизда, унга таълим туризмига рағбат берувчи кучлар, яъни стимуллар, таълим туризми хизматлари, таълим туризми хизматлари маҳсулотини сотиш ва сотиб олиш, соҳа фаолиятининг ихтисослашуви кабилар билан бир қаторда, уларга қўшимча тарзда хорижда рўй берадиган фаолият ҳамкорликлари ва таълим туризми хўжалик алоқаларини ўрнатиш усулларини ҳам киритиш лозим (2-расм).



2-расм. Таълим туризми хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий - иқтисодий механизми элементлари⁹

Туризм пандемиянинг салбий оқибатларидан энг катта талофат кўрган тармоқларидан бири саналади. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида жаҳонда COVID-19 га қарши эмлаш ҳолати жуда нотекис эканлиги кўрсатилган. Айрим ҳудудларда аҳолининг 1 фоиздан камроғи, бошқаларида эса 60 фоиздан кўпроғи эмланади. Бундай ҳолат натижасида кўпгина ривожланган мамлакатларда туризмдан тушадиган зарар камайиб бормоқда ва шу билан бирга ривожланаётган мамлакатларда кўпаймоқда¹⁰. Шунингдек, мутахассислар пандемия даврида ички туризмга бўлган талаб

⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁰Пандемия и туризм: глобальная экономика может лишиться более 4 трлн долларов. Организация Объединенных Наций. <https://news.un.org/ru/story/2021/06/1405562>

ошиши ҳамда пандемиягача бўлган давр 2023 йилга қадар қайтмаслигини тахмин қилишмоқда¹¹.

Тадқиқот ишида жаҳон мамлакатлари таълим туризмнинг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш жараёнида, айрим мамлакатлар ривожланган мамлакатлар томонидан босиб ўтилган босқичларда эришилган натижалардан ва уларнинг бой тажрибасидан унумли фойдаланган ҳолда тезлик билан ўз тараққиётини сифат ўзгаришлари ва янгиликлар асосида жадаллаштиришга ҳаракат қилиши ва бу борада эътиборга молик муваффақиятларни қўлга киритганли маълум бўлди. Шунингдек, ривожланган мамлакатларда таълим туризмнинг ривожланишида мамлакатда мавжуд туристик фирмаларнинг иш фаолиятини юқори савияда эканлиги, тизимлаштирилганлиги, шунингдек ҳамкор ташкилотлар билан иш фаолиятини тўғри йўлга қўйилганлиги муҳим омил ҳисобланади. Бунда ташкилотлар ўз фаолиятини бевосита хизмат кўрсатиш тармоқлари томонидан талаб қилинган инновацияларни яратиш асосида ташкил этилаётгани яратилган таълим хизматларининг маълум бир вақт ҳаракатсиз қолиб кетишининг олдини олади.

Диссертациянинг **“Таълим туризми хизматлари бозори ҳолатининг тавсифи ва ривожланиш кўрсаткичларининг таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда ва хорижда таълим туризми хизматларининг ҳолати, чиқувчи, кирувчи ва ички таълим туризмнинг ҳолати, унга таъсир кўрсатувчи омиллар ва ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммолар ва уларни бартараф қилиш йўллари ёритиб берилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда давлат амалга ошираётган макроиқтисодий сиёсатнинг бевосита таъсири остида туризм соҳасида ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда, унинг ҳажми кенгайиб, туристларга тақдим этилаётган хизматларнинг сифати тобора яхшиланиб бормоқда. Лекин коронавирус пандемияси оқибатида жаҳон хўжалигида юз берган иқтисодий инқироз соҳа ва тармоқлар ривожланишига жуда катта салбий таъсир кўрсатди, йиллар давомида шакллантирилган хўжалик алоқаларининг издан чиқиб кетишига, кўп ҳолларда рецессия жараёнларининг содир бўлишига сабаб бўлди. Жаҳон иқтисодий инқирозидан катта талафот кўрган тармоқлар рўйхатида туризм биринчи қаторларда туради. Бутунжаҳон туризм ташкилотининг маълумотларига кўра, коронавируснинг салбий таъсири остида сайёҳларнинг ташрифи 2020 йилда 2019 йилги кўрсаткичга нисбатан 74 фоизга камайган¹².

Бизнинг мамлакатимизда ҳам пандемия сабабли ташқи ва ички туризм соҳасида кескин пасайиш кузатилди. Бунинг оқибатида 1,5 мингдан ортиқ туроператор, қарийб 1,2 минг меҳмонхона фаолияти тўхтатилди. Бунинг салбий таъсири эса шу тизимда меҳнат қилаётган 250 мингдан ортиқ аҳоли даромадига зиён етказди¹³.

¹¹ World Tourism Barometer, Volume 18, Issue 1, January 2021

¹² Пандемиядан кейинги туризм: Ўзбекистон нималарга эътибор қаратиши керак?. Kun.uz ахборот портали. <https://kun.uz/11780695> (мурожаат қилинган сана: 30.04.2021)

¹³ Внутренний туризм позволяет восстановить отрасль. <https://review.uz/post/vnutrenniy-turizm-pozvolyaet-vosstanovit-otrasl> (мурожаат қилинган сана: 29.12.2020)

Шунга қарамасдан, пандемия шароитида мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга комплекс ёндашиш, туризм тармоқлари таркибини такомиллаштириш, замонавий сайёҳлик инфратузилмаси объектларини шакллантириш, ҳудудлардаги мавжуд салоҳиятдан тўлиқ ва самарали фойдаланиш асосида туризмнинг инқироз оқибатида йўқотган мавқеини тиклаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Амалга оширилган таҳлил натижалари Ўзбекистонда туризмнинг сустривожланганлиги ялпи ички маҳсулотдаги ва иш билан банд аҳоли сонидаги улуши бўйича бошқа давлатлардан жуда орқада эканлигини кўрсатди (1-жадвал).

1-жадвал

Жаҳон мамлакатлари ва Ўзбекистонда туризм ривожланишининг қиёсий таҳлили¹⁴

т/р	Мамлакат номи	Мамлакат бўйича ўсиш суръатлари (2021 йил 2020 йилга нисбатан), %		Туризм хизматлари соҳасининг мамлакат макроиктисодий кўрсаткичларидаги улуши, % (2021йил)		Туристтик хизматлар экспорти (2021 йил)	
		ЯИМ ҳажми	жумладан, халқаро туристлар сони*	ЯИМ таркиби	Иқтисодиётда банд аҳоли таркибида	хизматлар экспорти, млрд.долл.	жами экспортдаги улуши, %
1.	АҚШ	5,6	49	5,5	6,9	40,3	1,6
2.	Хитой	8,1	-87	4,6	9,7	14,1	0,4
3.	Япония	1,6	-94	4,2	8,2	1,0	0,1
4.	Германия	2,8	7	6,4	11,4	24,6	1,3
5.	Италия	6,6	5	9,1	11,6	22,9	3,6
6.	Буюк Британия	7,4	-42	5,7	11,7	4,7	0,6
7.	Франция	6,9	16,1	6,5	9,0	43,9	5,4
8.	Туркия	10,9	88	7,3	8,4	28,1	9,8
9.	Испания	5,1	42	8,5	12,7	34,0	7,4
10.	Таиланд	1,5	0,4	5,8	18,1	3,9	1,3
11.	Филиппин	5,7	-88,9	10,4	17,8	0,8	0,8
12.	Австралия	1,4	-87	4,7	10,3	0,9	0,2
13.	Россия	4,8	-74	3,7	5,3	6,0	1,1
14.	Ўзбекистон	7,4	25	2,6	4,8	0,4	2,3
	Жаҳон бўйича	13,1	9	6,1	6,7	1,038	21,7

*Манба: <https://www.e-unwto.org/doi/book/10.18111/9789284423606>

Жадвал маълумотлари Ўзбекистонда туризм ўта муҳим макроиктисодий кўрсаткичлар, яъни ЯИМ ва иқтисодиётда банд аҳоли сони бўйича жаҳон хўжалиги эришган кўрсаткичларга нисбатан сезиларли даражада пастлигидан далолат беради. Масалан, агар жаҳон хўжалиги бўйича туризм соҳасининг ЯИМдаги улуши 6,1 фоизни, иқтисодиётда банд аҳоли сонидаги улуши эса 6,7 фоизни ташкил этган бўлса, Ўзбекистонда ушбу кўрсаткичлар мос равишда 2,6 ва 4,8 фоизни ташкил қилган. Ўзбекистонда туристик хизматлар соҳасининг мамлакат ЯИМдаги улуши Туркия кўрсаткичларидан қарийб 3 марта, Испаниядан 3,2 марта, Италия 3,5 марта, Филиппин мамлакатидан эса 4 марта паст.

¹⁴ <https://wtcc.org/Research/Economic-Impact> - расмий статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Туризм хизматлари соҳасида бандларнинг иқтисодиётда банд аҳоли сонига таркиби бўйича ҳам деярли шундай аҳволни кузатиш мумкин. Ушбу рақамлар Ўзбекистон улкан туристик салоҳиятга эга бўла туриб, уни рўёбга чиқариш ва миллий даромадни шакллантиришнинг асосий манбаларидан бирига айлантириш имкониятларидан унумли фойдалана олмаётганлигидан далолат беради.

Таҳлил натижалари дунёнинг кўпгина мамлакатларига нисбатан Ўзбекистонда суст ривожланган туризм хизматлари таркибида айнан таълим туризми хизматларининг жуда кичик улушга эга эканлигини кўрсатди. Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикасида таълим туризмнинг ялпи туристик хизматлар таркибидаги улуши дунёнинг бир қатор мамлакатларига нисбатан жуда паст бўлган ҳолда, атиги 0,3 фоизни (туризм барча турлари ўртасида энг паст улуш) ташкил этганлиги аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

2021 йилда Ўзбекистон Республикасига амалга оширилган сафар мақсадларига кўра кирувчи фуқаролар сонининг тақсимланиши¹⁵

Кўрсаткичлар	Жами, минг киши	Шу жумладан		Жамига нисбатан, % да
		МДХ давлатларидан	бошқа хорижий давлатлардан	
Хизмат кўрсатилган фуқаролар сони	1881,3	1714,0	167,4	100
Сафар мақсадларига кўра:				
Хизмат юзасидан	60,7	35,6	25,1	3,2
Ўқиш	6,4	0,8	5,6	0,3
Бўш вақт ва дам олиш	155,1	69,7	85,4	8,2
Қариндошларни йўқлаш	1613,1	1573,6	39,5	85,7
Даволаниш	32,4	32,1	0,3	1,7
Тижорат	13,6	2,1	11,5	0,7

Таҳлил натижалари мамлакатдан чиқувчи туристлар сони мамлакатга кирувчи туристлар сонига нисбатан юқори эканлигидан далолат беради (таълим туризмнинг ялпи туристик хизматлардаги улуши 8,6 фоиз).

Бугунги кунда жаҳон туризм индустриясида ички туризм ўсиш тенденциялари бўйича илгарилаб бормоқда. Ушбу туризм турининг ривожланиши ҳудуднинг табиий шароити, ундаги сайёҳлик объектларининг, таълим муассасаларининг мавжудлигига боғлиқ. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, Республика миқёсида 2016-2021 йилларда мамлакат ичида амалга оширилган сафарлар сони ўсиш тенденциясига эга, яъни 2021 йилда бу кўрсаткич 116339,1 минг сафарлар сонига тенглиги аниқланди. Аммо таълим ва касбий тайёргарлик сафарлари сонига пасайиш тенденцияси кузатилиб, бу кўрсаткич 598,0 минг сафарни ташкил қилган. 2021 йил ички туризм бўйича амалга оширилган сафарларнинг таҳлилига назар соладиган бўлсак, Андижон вилоятида 20559,2 минг сафар, Қашқадарё вилоятида 13292,7 минг сафар, Самарқанд вилоятида 16926,7 минг сафар ва Фарғона вилоятида 12503,1 минг сафарни ташкил этганлигининг гувоҳи бўламиз.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Ўзбекистонда 2016-2021 йилларда ички таълим туризми бўйича амалга оширилган сафарлар сонининг мамлакат ичида амалга оширилган жами ички туризм сафарлари сонигаги улушининг ўзгариши¹⁶

Худудлар номи	2016 йил			2021 йил			2021 йил 2016 йилга нисбатан	
	мамлакат ичида амалга оширилган сафарлар сони, минг сафар	шундан,		мамлакат ичида амалга оширилган сафарлар сони, минг сафар	шундан,		таълим ва касбий тайёргарлик сафарлари сонининг ўсиши, %	улушининг ўзгариши +,-
		таълим ва касбий тайёргарлик сафарлари сони, минг сафар	улуши,%		таълим ва касбий тайёргарлик сафарлари сони, минг сафар	улуши,%		
А	1	2	3	4	5	6	7	8
Қорақалпоғистон Республикаси	6804,4	137,1	2,01	8850,8	47,9	0,54	- 65,06	-1,47
Андижон	14180,7	1043,6	7,36	20559,2	221,6	1,08	- 78,77	-6,28
Бухоро	3052,0	55,5	1,82	10627,0	82,5	0,78	48,65	-1,04
Жиззах	4358,1	112,2	2,57	5380,7	35,8	0,67	- 68,09	-1,9
Қашқадарё	10464,2	320,1	3,06	13292,7	36,1	0,27	- 88,72	-2,79
Навоий	5239,6	272,8	5,21	1189,0	30,0	2,52	- 89,00	-2,69
Наманган	6195,8	115,6	1,87	5790,4	35,0	0,60	- 69,72	-1,27
Самарқанд	7792,6	166,2	2,13	16926,7	10,8	0,06	- 93,50	-2,07
Сурхандарё	5521,9	165,2	2,99	2460,1	39,6	1,61	- 76,03	-1,38
Сирдарё	1878,7	40,6	2,16	3573,3	22,2	0,62	- 45,32	-1,54
Тошкент	4591,3	17,7	0,39	1509,9	16,1	1,07	- 9,04	0,68
Фарғона	12203,4	149,0	1,22	12503,1	12,3	0,10	- 91,74	-1,12
Хоразм	5507,7	71,5	1,30	1509,8	8,1	0,54	- 88,67	-0,76
Тошкент ш.	6396,3	25,1	0,39	12166,4	0,0	0,00	- 100,00	-0,39
Ўзбекистон Республикаси	94186,7	2692,2	2,86	116339,1	598,0	0,51	- 77,79	-2,35

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик тўплами асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Шундан таълим ва касбий тайёргарлик сафарларида Андижон вилояти бўйича 221,6 минг, Қашқадарё 36,1 минг, Самарқанд вилояти бўйича 10,8 минг ва Фарғона вилояти бўйича 12,3 минг саёҳатчи иштирок этганлиги аниқланди.

Агар 2021 йил давомида таълим ва касбий тайёргарлик сафарида иштирок этган саёҳатчиларнинг иштирокини йўналишга нисбатан мойиллик нуқтаи назаридан таҳлил этадиган бўлсак, энг кўп саёҳатга чиқувчилар Андижон вилоятига (221,6 минг) тўғри келади, бу кўрсаткич Бухоро вилоятида 82,5 минг, Сурхондарёда 39,6 минг саёҳатчини ташкил этганлигини кўрамай. Аммо Хоразм вилояти ва Тошкент шаҳрида бу кўрсаткичнинг жуда пастлиги кузатилди, яъни ички туризм иштирокчиларининг салмоғи Хоразм вилоятида 1509,8 минг кишини ташкил қилган бўлса-да, таълим ва касбий тайёргарлик мақсадидаги сафарлар сони атиги 8,1 минг кишини ташкил этганлигини кузатишимиз мумкин. Тошкент шаҳрида эса бу кўрсаткич 0 га тенг (3-жадвал).

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда таълим туризми хизматларини ривожлантиришда бир қатор тўсиқлар мавжуд. Мавжуд тўсиқларни аниқлаш учун мамлакатда таълим туризми хизматларининг ҳолати таълим олиш мақсадида чиқувчи ва кирувчи туристлар мисолида таҳлил қилинди.

Таҳлил жараёнида хорижлик тадқиқотчиларнинг илғор тажрибаларига таянган ҳолда чиқувчи таълим туризмига таъсир кўрсатувчи омилларни бир қатор мамлакатлар мисолида таҳлил қилдик. Ушбу мақсадда 1998-2019 йиллар мобайнида Ўзбекистондан таълим олиш мақсадида 62 мамлакатга чиқувчи туристлар сонига таъсир кўрсатган 14 та омиллар танлаб олинди.

Ушбу омилларнинг натижавий кўрсаткичга, яъни таълим туризми хизматларига бўлган ялпи талаб ҳажмига таъсирини аниқлаш ва баҳолашнинг такомиллаштирилган методикаси уч ўлчовли гравитацион моделдан фойдаланган ҳолда тақлиф қилинди (1-тенглама)¹⁷.

$$\begin{aligned} \ln\text{ЧИҚТУР}_{ijt} = & \beta_0 + \beta_1 \ln\text{Транспорт}_{it} + \beta_2 \ln\text{ЯИМ}_{it} + \beta_3 \ln\text{ЯИМ}_{jt} + \beta_4 \text{Чегара}_{it} \\ & + \beta_5 \text{Аҳоли}_{it} + \beta_6 \ln\text{Майдон}_{it} + \beta_7 \text{Ўхшашлик}_{it} + \beta_8 \text{Нарх}_{it} + \beta_9 \ln\text{Савдо}_{ijt} \\ & + \beta_{10} \ln\text{Барқарорлик}_{it} + \beta_{11} \ln\text{Ишсизлик}_{it} + \beta_{12} \text{Ўпик}_{it} + \beta_{13} \text{Коррупция}_{it} \\ & + \beta_{14} \text{Бошқарув}_{it} + \gamma_i + \delta_j + \lambda_t + \mu_{ijt} \quad (1) \end{aligned}$$

Бу ерда;

- \ln - натурал логарифмлар бўлиб, у гетероскедатликни пасайтиради;
- i - индекс, турист чиққан мамлакатлар;
- j – индекс, туристларни қабул қилувчи мамлакат (дестинация);
- t - 23 йиллик даврни билдиради (1998-2019);
- β_0 бу константа, $\beta_1, \dots, \beta_{14}$ - ҳисобланиши керак бўлган параметрлар;

¹⁷ Иктисодий-математик усулнинг гравитацион модели Ўзбекистонда таълим туризмига талабни ўрганиш ва уни таҳлил қилиш амалиётида илк бор қўлланилганлиги билан аҳамиятлидир.

- F_i ва F_j - (i) ва (j) булар ўзгарувчилар бўлиб, мамлакатлараро ўзгариш таъсирини ҳисоблайди;

- λ_t - вақт таъсирини ҳисоблаб борадиган ўзгарувчи;

- μ_{ijt} - эҳтимолий хатоларни ҳисоблайдиган ўзгарувчи;

- $ЧИҚТУР_{ijt}$ – Ўзбекистондан таълим олиш мақсадида 62 та мамлакатга чиққан туристлар сони

Ўзбекистондан таълим олиш мақсадида чиқувчи туристлар сонига таъсир қилувчи қуйидаги омиллар гравитацион модел назариясига асосланган ҳолда танлаб олинди: YIM_{jt} – Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот, YIM_{it} - хориж мамлакатларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот, $Транспорт_{ijt}$ - ўқиш сафарига кетадиган транспорт харажатлари, $Аҳоли_{jt}$ - Ўзбекистондаги жами аҳоли сони, $Нарх_{it}$ - хорижий мамлакатдаги истеъмол нархлари, $Савдо_{ijt}$ - Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлар ўртасидаги очик савдо ҳамкорлиги, $Ишсизлик_{it}$ - хорижий мамлакатлардаги ишсизлик даражаси, $Коррупция_{it}$ - мамлакатларда коррупцияга қарши кураш даражаси, $Бошқарув_{it}$ - мамлакатнинг бошқариш самарадорлиги даражаси, $Барқарорлик_{it}$ - кўрсаткич мамлакатда сиёсий барқарорлик даражаси, $Чегара_{ij}$ - Ўзбекистонга чегарадош давлатлар, $Ёпиқ_i$ - майдони фақат ердан иборат бўлган мамлакатлар, $Майдони_i$ - мамлакатнинг умумий ер майдони (шу жумладан қуруқлик ва денгиз билан бирга), $Ўхшашлик_{ij}$ – икки (экспорт қилувчи ва қабул қилувчи) мамлакат ўртасидаги диний ўхшашлик.

Амалга оширилган гравитацион модел таҳлилига кўра ЯИМ (YIM_{it}) нинг бир фоизга ўсиши хорижий мамлакатларда Ўзбекистондан таълим мақсадида чиқувчи туристлар сонининг 0,4 % ўсишига, хорижий мамлакатларга таълим олиш нархининг ($Нарх_{it}$) 1 фоизга ошиши эса Ўзбекистондан таълим олиш мақсадида чиқувчи туристлар сонининг 0.3% га қисқаришига олиб келади. Ўзбекистонда коррупция назоратининг ($Коррупция_{it}$) 1% га кучайиши таълим мақсадида чиқувчи туристлар сонининг 0,7 фоизга ўсишини таъминлайди. Таҳлил жараёнининг тафсилотлари диссертацияда келтирилган.

Хулоса қилиб айтганда, амалга оширилган таҳлил натижалари Ўзбекистонни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида чиқувчи таълим туризмни ривожлантириш коррупцияни тартибга солиш, ишсизлик даражасининг ўсишини назорат қилиш, жинойтчиликни минималлаштириш ва мамлакатда барқарор сиёсий вазиятни яратиш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Бундан ташқари, қўшни давлатлар билан таълим соҳасидаги ҳамкорлик нафақат мамлакат ичкарасидаги, балки ташқаридаги таълим туризмни ҳам ривожлантиришга хизмат қилади. Демак, таҳлил натижаларидан Ўзбекистондаги иқтисодий барқарорлик ва хорижий давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик мамлакатда ташқи таълим

туризмни ривожлантиришга катта ижобий таъсир кўрсатади, деган хулоса чиқариш ўринли.

Тадқиқот доирасини кенгайтириб, Ўзбекистонга таълим олиш мақсадида кировчи туристлар ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғлиқликни ҳам гравитацион модел асосида таҳлил қилдик (2-тенглама).

$$\begin{aligned} \ln \text{КИФТУР}_{ijt} &= \beta_0 + \beta_1 \ln \text{Транспорт}_{ij} + \beta_2 \ln \text{ЯИМ}_{it} + \beta_3 \text{Чегара}_{ij} + \beta_4 \text{Ҳамкорлик}_{ij} \\ &+ \beta_5 \text{Ўхшашлик}_{ij} + \beta_6 \ln \text{Барқарорлик}_{it} + \beta_7 \ln \text{Ишсизлик}_{it} \\ &+ \beta_8 \text{Таълим сифати}_{it} \quad (2) \end{aligned}$$

Бу ерда;

- \ln – натурал логарифмлар бўлиб, у гетероскедатликни пасайтиради;
- i – индекс, турист келиб чиққан мамлакатлар;
- j – индекс, туристларни қабул қилувчи мамлакат (дестинация);
- t – 23 йиллик даврни билдиради (1998-2019);
- β_0 – бу константа, β_1, \dots, β_8 – ҳисобланиши керак бўлган параметрлар;
- КИФТУР_{ijt} – Ўзбекистонга таълим олиш мақсадида 8 та мамлакатдан

кирувчи туристлар сони.

